

28

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 27 (1258)

2020 ЙИЛ 16 ИЮЛЬ



АТАЕВ  
KAMOLIDDIN RAIMJANOVICH

### ТАЙИНЛОВ

Атаев Камолитдин Раимжанович "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки Бошқаруви Раисининг ўринбосари этиб тайинланди.

Шу кунгача у Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент вилояти Бош бошқармаси бошлиги лавозимида ишлаб келаётган эди.

Атаев 1983 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 2005 йил Тошкент давлат иқтисодиёт университетини, 2012 йил Банк-молия академиясини тамомлаган. Дастлабки меҳнат фаолиятини "Ўзсаноатқурилишбанк" Ракат филиали компютерлаштириш шўъбаси 1 тоифали мутахассиси сифатида бошлаган. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Валюта назорати бошқармаси бошлиги ўринбосари, Марказий банки Валютани тартибга солиш ва назорат қилиш департаменти Валюта назорати бошқармаси бош эксперти, бошқарма бошлиги ўринбосари, бошқарма бошлиги лавозимларида фаолият юритган.

Банк Ахборот хизмати

## КАРАНТИН ДАВРИДА КРЕДИТ ҚАРЗДОРЛИКЛАРИ БЎЙИЧА ҚАТОР ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛДИ

Марказий банк коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш ҳамда пандемия даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларида кредитларни қайтариш билан боғлиқ салбий оқибатларни пасайтириш мақсадида вақтинчалик тартиб ишлаб чиқди ва ижро учун барча тижорат банкларига юборди.

Мазкур тартибга кўра, коронавирус пандемиясининг оқибатида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредит тўловлари муддати қарздорнинг пул оқими таҳлилдан келиб чиқиб, томонларнинг келишувига кўра жорий йилнинг 1 октябрга қадар узайтирилади.

Хусусан, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши жорий этилган кучайтирилган тартиб ҳамда аҳоли эркин ҳаракатланишининг чеклангани инobatга олиниб, банкларда кредит тўлов муддатини узайтириш бўйича юбориладиган мурожаатларни масофавий



қабул қилиш тизими (жумладан, веб-сайт, интернет-банкнинг, мобиль илова, колл-марказ ва бошқа мулоқот воситалари ёрдамида) жорий этилди.

(Давоми 2-саҳифада)



## "ТУРОНБАНК": ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА МАСОФАВИЙ ХИЗМАТЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙДИ



Сир эмас, бугунги фавқуллодда вазият кўплаб корхона-ташкилотлар фаолиятига салбий таъсир қилибгина қолмай, улар билан аҳоли орасидаги муносабатларга тўсиқ бўлаётир. Шу сабабли айна пайтда карантин муҳитида барча банклар мижозлар билан масофадан фаол муносабатга киришиш усулларини кенг жорий қилиш устида жиддий ишламоқда.



(Давоми 3-саҳифада)



## "АЛОҚАБАНК" ВА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

Яқинда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг Ёшлар пресс-клубида АТ "Алоқабанк" ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ўртасида ҳамкорлик меморандумини имзолаш маросими бўлиб ўтди. Мазкур ҳамкорликдан асосий мақсад ёшларнинг молиявий саводхонлиги, иқтисодий билимларини ошириш ва банк-мижоз тизимини такомиллаштиришга қаратилган.

(Давоми 2-саҳифада)





## “ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР” ДАСТУРИ УЧУН ҚЎШИМЧА МАБЛАҒ АЖРАТИЛДИ

“Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини ҳамда Наманган вилоятидаги кичик sanoat зоналарини ривожлантиришни молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Президент қарори (ПҚ–4782-сон, 14.07.2020 й.) қабул қилинди.

– Қарорга мувофиқ, коронавирус пандемияси шароитида ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғирлашган оилаларнинг бандлигини таъминлаш орқали уларга даромад манбаини яратиш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури учун қўшимча равишда 98 миллион АҚШ доллари:

– “Агробанк” АТБга – 40 миллион АҚШ доллари;

– АТ Халқ банкига – 30 миллион АҚШ доллари;

– “Микрокредитбанк” АТБга – 28 миллион АҚШ доллари эквивалентида маблағлар ажратилиши белгиланди.

унингдек, қарор билан микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларига ёшлар ва хотин-қизларни кичик тадбиркорликка жалб қилиш лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга – 2 миллион АҚШ доллари;

Наманган вилоятидаги кичик sanoat зоналари фаолиятини янада ривожлантириш учун Наманган вилояти ҳокимлигига – 50 миллион АҚШ доллари ажратилади.

“Нуқуқий ахборот” телеграм канали

## “АЛОҚАБАНК” ВА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ



(Бошланиши 1-саҳифада)

Ушбу ҳужжат асосида, икки ташкилот ўртасида таълим, санъат, маданият, тадбиркорлик, қишлоқ ҳўжалиги ва асарличилик билан боғлиқ соҳаларда молиявий саводхонликни оши-

ришга қаратилган лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳамкорлик банк ва Ёшлар иттифоқи ўртасидаги алоқаларини мустаҳкамлашда алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, юртимизда ёшларга бўлган эътибор,

уларга яратиб берилётган имкониятлар, умуман ёшларимизнинг янада юксалиши учун амалга оширилатган барча тадбирлар, ҳаракатлар замирида юртимизнинг эртанги куни, ривожланиши масаласи турган бир вазиятда АТ “Алоқабанк” ва Ёшлар иттифоқи каби ёшларни севувчи ташкилотларнинг бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиши жуда муҳим.

Учрашувда АТ “Алоқабанк” Бошқарув Раиси ўринбосари Ҳасан Раҳматов ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Раисининг биринчи ўринбосари Акмал Жумабоев томонидан икки ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик меморандумини имзолади.

Тадбир якунида талабалар онлайн фикр-мулоҳазаларда иштирок этиб, молия-банк фаолияти ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди.

Банк Ахборот хизмати

## ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ПУЛ ЎТКАЗМАЛАР 6 ФОИЗГА КАМАЙДИ

Республикамизга келиб тушган трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми 2,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 156 млн. долларга ёки 6 фоизга камайди.


Чет элга юборилган трансчегаравий пул ўтказмалари миқдори 427 млн. долларга этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 40 млн. долл. ёки 9 фоизга камайди.

Натижада трансчегаравий пул ўтказмалари бўйича ижобий сальдо 2 млрд. долларга этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 116 млн. долларга (ёки 5 фоизга) камайди.

Cbu.uz

2019-2020 й. январь-июнь ойларидаги трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми

(млн. АҚШ долл.)



## КАРАНТИН ДАВРИДА КРЕДИТ ҚАРЗДОРЛИКЛАРИ БЎЙИЧА ҚАТОР ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Шу билан бирга, карантиннинг бошлангич даврида аҳолининг кредитлари бўйича навбатдаги тўлов муддатларини узайтириш, қарздорларни ортиқча безовта қилмаслик учун банклар томонидан шартномаларга бир томонлама ўзгартириш киритиш автоматик равишда амалга оширилди. Натижада қўп сонли аҳолини имкон қадар банк биносига шахсан ташриф буюриш мажбуриятидан озод этиб, уларга “уйда қолиш” имконияти яратиб берилди.

Қарздорларга яратилган қулайликлардан яна бири – барча банкларга коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кучайтирилган тартиб жорий этилган даврда кредит бўйича тўловлар муддати ўтганлиги ва улар муддатларининг узайтирилганлиги учун миқозларга жарима чораларини қўлламамаслик, шунингдек, ундирувни кредитларнинг таъминотига қаратмаслик юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Шу ўринда, коронавирус пандемияси оқибатида аҳоли ва тадбиркорлик

субъектлари пул оқимларининг кескин камайиши банкларнинг молиявий ҳолатига салбий таъсирини камайтириш мақсадида тўлов муддати узайтирилган кредитларнинг ҳисобини баланснинг “шартлари қайта кўриб чиқилган кредитлар ҳисобварағи”га ўтказмаслик, бу кредитлар сифати таснифини ёмонроқ тоифага ўзгартирмаслик ва улар бўйича қўшимча заҳира ташкил этмасликка рухсат берилди.

Бундан ташқари, банклар тадбиркорлик субъектларининг ишби-

лармонлик фаоллигини ошириш, уларнинг пул оқимларида вужудга келган узиллишлар ўрнини қоплаш мақсадида айланма маблағларини тўлдириш учун 9 ойгача бўлган муддатга қайта тикланадиган револьвер кредитларини ажратмоқда.

Шунингдек, банкларда кредитлаш жараёнини соддалаштириш, кредит ҳужжатларини марказлашган тартибда ва тезкор кўриб чиқиш ҳамда инсон омилни камайтириш мақсадида:

- аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кредит

ажратиш бўйича қарорларни бир бўғинда қабул қилиш мақсадида андеррайтерлар хизмати жорий қилинмоқда;

- аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига чакана кредитларни ягона шартлар асосида фақат модулли кредитлар асосида ажратирилиши йўлга қўйилди;

- таклиф этилаётган кредит маҳсулотларининг рўйхати банкларнинг расмий веб-сайтларига жойлаштириб борилмоқда;

- аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига онлайн шаклда кредит олиш имкониятлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банк  
Ахборот хизмати





## БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОФИСИ ЯНА 10 ТАГА КЎПАЙДИ

Жаҳон амалиётдан яхши маълумки, энг йирик ва мижозлар базасининг катталиги билан ном қозонган компанияларнинг афзаллик жиҳатлари, хизмат кўрсатишдаги минималлашув ва тезкорликдир. Яъни, тақдим этилаётган янгиликлар энг чекка ҳудудларгача етиб бориши ва одамлар турмуш тарзининг энгиллашишига ҳисса қўшиши керак. Ўз мижозларига энг яхши-сини тақдим этишга одатланган “Туронбанк” ҳам айна шу жиҳатни инобатга олган ҳолда, Республикамининг барча ҳудудларида ўзининг замонавий, ихчам ва самардор янги “Банк хизматлари офиси”ларини босқичма – босқич ташкил этиб, ўз филиаллари географиясини кенгайтириб бормоқда.

Ҳозирга қадар халқ хизматида шундай офисларнинг 44 таси топширилган бўлса, куни кеча уларнинг сафига яна 10 таси қўшилди. Хусусан, Бухорода “Самоний”, Навоийда “Қизилтепа”, Самарқандда “Боғсарой”, Шаҳрисабзда “Чоршанбе”, Фарғонада “Нурхон”, Тошкент вилоятида “Оҳангарон” ва Тошкентда “Аҳмад Дониш”, “Тошкент”, “Қушбеги” ва “Дурмон”. Ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитига тайёр бўлган мазкур офислар, аҳолининг ҳар қандай талабига тўлиқ жавоб бериб, вақт ва маблағнинг ортиқча сарфланишига чек қўйиши билан аҳамиятлидир.



Ушбу ҳудудларда аҳоли зич жойлашганлиги ва кўплаб маиший ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари фаолият олиб боришини инобатга олсак, мазкур офисларнинг иш бошлагани ҳам тадбиркорлар ҳам оддий одамлар учун айна муддао бўлганлигини билиш мумкин. Сабаби, энди биргина шу офиснинг ўзида Туронбанк таклиф этаётган барча хизматлардан фойдаланиш, яъни ҳисобрақам очишдан тортиб кредит расмийлаштиришга бўлган банк амалиётларини тез ва сифатли бажариш мумкин.

Бундан ташқари, “Face ID” технологияси орқали автоматик индентификациялаш тизими ҳам жорий этилган ва офисларнинг янги мижозлари учун махсус “Офис” номли тариф режасини ҳам ишлаб чиқилди. Унда “дебет” айланмадан ундирилаётган хизмат ҳақи ҳисоб рақам очилган санадан эътиборан бир йил давомида бепул этиб белгиланган.

Finance.uz



## “ТУРОНБАНК”: ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА МАСОФАВИЙ ХИЗМАТЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

“Туронбанк” акциядорлик тижорат банки молия хизматлар бозорида 1990 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда ва бугунги кунда мамлакатимизнинг универсал банкларидан бири ҳисобланади. Банк доимий равишда ўсиб, ривожланиб, барқарор молия муассасаси сифатидаги обрў-эътиборини мустаҳкамлаб келмоқда. Ўзбекистоннинг етакчи банклари билан бир қаторда “Туронбанк” иқтисодиётимизнинг асосий тармоқлари ва кичик бизнесни маблағ билан таъминлаш, янги банк технологияларини жорий этиш ва инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлашда фаол қатнашиб келмоқда.



Шундай синобли жараёнда ўз жамоаси билан муносиб ирода кўрсатган “Туронбанк” аҳоли учун кўплаб янги хизматлар тақдим этди. У ҳоҳ халқаро пул ўтказмалари тизимида, ҳоҳ пластик карточкаларни онлайн расмийлаштириш борасида бўлсин. Аҳамиятлиси, улар мамлакат молия секторига ҳали ўхшаши бўлмаган, янги ноу-хауларни татбиқ этиш билан соғлом рақобат муҳитида анча илдамлаб кетишди.

Дарвоқе, яқинда пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида “Туронбанк” АТБ “Uzreport TV” билан ҳамкорликда амалга оширган жонли мулоқот ҳам сўзимизга яққол мисол бўлади. Унда банк мутасаддилари онлайн муносабатларнинг йўналиши ва тартиби ҳақида маълумот берди. Хусусан, халқаро пул ўтказмалари тизимида кишилар уйдан чиқмаган ҳолда ўз смартфонлари орқали маблағларни четдан қабул қилиш ёки ўтказишлари учун бир қатор қулай имкониятлар яратилганини таъкидлашди. Жумладан, “Туронбанк” акциядорлик-тижорат банки чакана хизматлар кўрсатиш департаменти директори

ўринбосари Элдор Ваҳобов банкда яратилган янги муносабатлар ҳақида сўз юритди.

– Пандемия шароитида мижозларга қулайлик яратиш мақсадида бир қанча хизматларни йўлга қўймоқдамиз, – дейди Элдор Ваҳобов.

– “Туронбанк”нинг “My Turon” мобил иловаси билан “Contact”, “Unistream”, “Western Union”, “MoneyGram” халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали юборилган маблағларни банкнинг “Uzcard”, “Visa” ҳамда “Masecard” пластик карточкаларига миллий ва хорижий валютада кирим қилсангиз бўлади. Аҳамиятли томони, мазкур хизматлар мутлақо бепул бўлиб, карантин даврида мижозларга

бўв. – “Золотая Корона” ва “Contact” халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали АҚШ долларига “Туронбанк”нинг “Masecard” халқаро пластик карточкаларига 24/7 режимида пул маблағларни текшириш учун банкнинг “My Turon” иловасидан фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари, банкнинг Ички стратегик ривожланиш дастурига мувофиқ, у ўз фаолиятининг барқарорлигини таъминлайди ва асосий эътиборини ўз ресурсларининг ривожланаётган истиқболли соҳаларга йўналтириш, иқтисодиёт реал секторини маблағ билан таъминлашда банк иштирокини кенгайтириш, мижозлар базасини кенгайтириш ва диверсификация қилиш, рақобатли муҳитни ривожлантириш ва банк хизматларини яхшилашга қаратган.

Қолаверса, “Туронбанк” “Masecard” халқаро пластик карталари учун янги “3D secure” хизматини жорий қилди. Мазкур технология онлайн харидлар учун тўловларни амалга оширишда энг хавфсиз ҳимоя тизими бўлиб, айрим интернет дўконлар, тахси хизмати, меҳмонхоналарни бронлаш, масофадан туриб авиачипталарга тўловларни бажаришда қўл келади.

“Туронбанк” мутасаддилари бугунги карантин шароитида яратилаётган қулайликлар ҳақида гапирар эканлар, жонли мулоқотда YouTube, Facebook ва бошқа ижтимоий тармоқлардан йўлланган сўровларга ҳамда тадбирда бевосита иштирок этган журналистларнинг саволларига ҳам жавоб беришди.

Муҳтасар қилиб айтганда, бугунги пандемия шароитида ҳар бир соҳа ўзининг хизмат доирасидан келиб чиқиб аҳолининг турли эҳтиёжини қондириш жуда долзарблашмоқда. Шу маънода “Туронбанк” ҳам барча шароитни ҳисобга олиб хизмат кўрсатишда фаоллашмоқда.

Шукур ЖАББОР



Фото мухбири: Владимир ЗАВОДОВ  
Реклама ўрнида



## ЯНА БИР ЯНГИ “ИПОТЕКА МАРКАЗИ”

“Ипотека-банк” АТИБ Шайхонтохур филиали қошида яна бир янги “Ипотека маркази” ўз ишга тушганини маълум қиламиз. Марказда юридик ва жисмоний шахсларга барча банк хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилган.



Шунингдек, мазкур марказда ипотека, истеъмол, микроқарз ва овердрафт кредитларини қисқа муддатларда расмийлаштириш, универсал касса орқали халқаро пул ўтказмалари, валюта айирбошлаш амалиётлари ва бошқа тўловларни амалга ошириш имконияти яратилган.

Энг муҳими, уй сотиб олиш юзасидан вужудга келадиган бир неча босқичли амалиётлар яъни, нотариал хизмат, суғурта ва баҳолаш хизматларининг барчаси Ипотека марказида жойлаштирилганлиги пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига ўзига хос қулайликни тақдим этади.

Сиз ушбу янги марказимизда ортиқча ташвишларсиз, қимматли вақтингизни йўқотмаган ҳолда, ипотека кредитларини расмийлаштиришингиз мумкин, дея ёзади банк расмий веб-сайти.



## АСАКА БАНК: АҚШ “CRAFERS” МАҲСУЛОТЛАРИГА ҚИЗИҚИШ БИЛДИРМОҚДА

“Асака” банк молиявий кўмагида ташкил этилган “CRAFERS” қўшма корхонаси қисқа фурсат ичида нафақат маҳаллий бозорда балки, дунё бозорида ҳам ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Бугунги кунда бу ерда 150 турдан зиёд қандолат маҳсулотлари тайёрланаётир. Ишлаб чиқаришда энг замонавий ускуналардан фойдаланиш билан бирга энг сифатли хомашё маҳсулотлари ишлатилади. Ҳалол сертификатига эга фабриканинг режалари катта бўлиб, АҚШ бозорига ҳам ширинликлар экспорт қилишни режалаштирмоқда.

– Дунё бозорининг ўз тамойиллари ва талаблари бор – дейди “CRAFERS” маъсуляти чекланган жамияти бош директори Азизхон Амилов. – Биз бу стандартларни бажариш, маҳсулотларимиз харидорлар ва сифатли бўлиши учун бор имкониятимизни ишга соляпмиз. Дунёнинг етакчи брендлари ишлатадиган хомашёлари импорт қиламиз. Мақсадимиз энг нозик таъб харидорнинг ҳам меҳрини қозонишдир. Ҳозирда Марказий Осиё, Афғонистон, Россия, Арманистон, Жанубий Корея, Болтиқбўйи давлатларида харидорла-



римиз бор. Келгусида ҳам ассортиментларимизни ошириш, халқимизга доимий сифатли қандолат маҳсулотларини етказиб бериш, экспортнинг йиллик ҳажмини 3,5 - 4 миллион долларга оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.


Таъкидлаш жоиз, “Асака” банк томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида юртимизда қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун “CRAFERS” МЧЖга 43,3 миллион АҚШ долларидан зиёд кредит маблағлари ажратилган. Бундан ташқари, банк ҳозирги пандемия шароитида корхоналар рентабеллигини сақлаб қолиш мақсадида жорий йилнинг апрель

ойидан сентябрь ойига қадар қўшма корхонага деярли 8 миллион долларлик кредит тўловлари учун имтиёзлар берди. Германия асбоб-ускуналаридан фойдаланувчи корхонада бугунги кунда 800 дан зиёд одам иш билан таъминланган ва уларнинг асосий қисми ёшлардир.

Рақамларга эътибор қаратдиган бўлсак, “CRAFERS” МЧЖ томонидан тўланадиган йиллик даромад солигининг ҳажми 38 миллиард сўмни ташкил этади. Корхонанинг 12 та линияси бўлиб, ойига 2 минг 400 тоннага яқин маҳсулот чиқариш мумкин. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми эса 47 минг 500 тонна.

Банк матбуот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясига иқтидорли талабалар учун кўп босқичли танлов бошланди.



## БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИГА ТАЛАБАЛАРНИ ТАНЛАШ ЖАРАЁНИ БОШЛАНДИ

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Банк-молия академияси раҳбарияти иқтидорли талабаларни танлаш жараёнида ҳам янгича усулни қўлламоқдалар.

**Бунда:**

1. Академия сайтида онлайн тарзда анкетани тўлдириш – бу талабгорларни кейс чемпионатда қатнашишини биринчи қадами.

2. Ижтимоий тармоқда жамоани куриш – барча рўйхатдан ўтган талабгорлар ижтимоий тармоқда ўзлари жамоа шакллантирадилар.

3. Академия томонидан тасдиқланган бизнес-кейсларни танлаб, бир ҳафта муддатда кейслар бўйича өчим ишлаб чиқиш ва видео тақдимот тайёрлайдилар – ўз билим ва маҳоратини намойиш этиш учун ажойиб имконият.

4. Жавобларни мустақил ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади – тақдимотларга ҳақиқий профессионаллар баҳо беради.

5. Кейс чемпионати босқичида ғолиб жамоаларни танлаш – ғолиблар Сертификатлар билан тақдирланади ва кейинги босқичга йўлланма олади.

6. Чемпионат ғолиблари Академияга кириш учун керакли параметрларни кўрсатган ҳолда номзод анкетасини тўлдиришади – бунда талабгор танлаган мутахассислиги ва кўчирилаётган олий ўқув юртини кўрсатиши керак.

7. Ғолиб жамоа аъзолари индивидуал тестлардан ўтадилар – аввалги босқичда жамоада ишлаш маҳорати синов қилинган бўлса, бу босқичда индивидуал билимларни намойиш этилиши муҳим. Тестлар инглиз ва рус тилларида ўтказилади.

8. Буюртмачилар билан якуний суҳбат (иш таклифи, грант, стипендия ёки таълим кредити) – замонавий кадр учун зарур жиҳатлар - матн ва рақамли маълумотлар билан ишлаш, маълумотлар билан ишлашда ҳушёрлик каби сифатларни синовдан ўтказиб, ажойиб имкониятларга эга бўлишлари мумкин.

9. Танловнинг якуний қарори – суҳбат даври тугагандан сўнг 3 кун муддатда натижаларни билиш имконияти. Буюртмачилар томонидан тақдим этиладиган имкониятлар – иш таклифи, грант, стипендия ёки таълим кредитини танлаш талабгорлар хоҳишига кўра амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси  
Матбуот хизмати

### ТУЗАТИШ

“Банк ахборотномаси” газетасининг жорий йил 2 июль 25-сонидаги “SHERZOD KREDIT INVEST” МЧЖнинг молиявий ҳисоботида қайд этиб ўтилган рўйхат рақами: “ЎзМБ нинг 2015 йил 31 октябрдаги 51 рақамли лицензияси ва МЧЖнинг юридик манзили эса 100208, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гулистон мавзеси, 52-уй, 92-хонадон”, деб ўқилсин.

Худди шундай “CREDIT INVEST GROUP” МЧЖнинг молиявий ҳисоботида қайд этиб ўтилган рўйхат рақами: “ЎзМБнинг 2016 йил 9 апрелдаги 78-рақамли лицензияси ва МЧЖнинг юридик манзили 100178, Тошкент шаҳар Олмазор тумани Қора-Қамиш 2/5-дахаси, 17-уй, 92 хонадон” деб ўқилсин.



# БАНКЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИДАН ҚАНДАЙ НАТИЖАЛАР КУТИЛМОҚДА?

Айни кунда банк секториди давлатнинг устун мавқеи, банкларнинг турли давлат дастурлари ва корхоналарини молиялаштириш учун воситачи сифатида фаол жалб қилиниши натижа-сида юзага келган тизимли хатарлар ва муаммолар вужудга келтирмоқда. Жумладан, Жаҳон банкнинг “Бизнес юритиш” рейтингиди паст кўрсаткичлар - рейтингининг “Кредит олиш” йўналишида Ўзбекистон 67-ўринни эгаллаб туриши, ахборот техноло-гиялари маҳсулотлари, мижозлар билан алоқа қилиш бўйича замонавий усулларни амалиётга жорий қилишда кечикиш, бозор ставкаларидан паст ставкаларда кредитлар берилиши ва шу каби бошқа бир қатор муаммоларни қайд этиш мумкин.

Бу каби муаммоларни ҳал этиш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бо-расидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги фармонида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги зиммасига банк хизматлари мене-жменти ва тизимини тубдан ислох қилиш, шунингдек, давлат улуши иштирокидаги тижорат банкларини халқаро молия институтлари, хорижий ҳуқумат молия ташкилотлари ва консалтинг компаниялари иштиро-кида, бозор тамойиллари асосида ишлайдиган универсал банкларга трансформация қилишга қаратилган қарори лойиҳасини ишлаб чиқиб вазифаси кўйилган эди.

Шу билан бирга жорий йилнинг 12 майида эълон қилинган “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида” фармонда хусусий сектор ривожла-нишини рағбатлантириш, банклар-нинг инвестициявий жозибадорли-гини, банк хизматлари оммабоплиги ва сифатини ошириш учун давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш вазифаси кўйилди.

Қолаверса, Президент Шав-кат Мирзиёев жорий йилнинг 6 июль куни тижорат банкларининг трансформация жараёнини жадал-лаштириш бўйича йиғилиш ўтказиб, йиғилишда трансформация жараё-нини фаоллаштириш бўйича кўрсат-ма берган, бу борада ишлар етарли даражада фаол олиб борилмаётган банкларни танқид қилди.

Кишида банк активларида хусусий сектор улушини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ва трансформацияни амалга ошириш нима сабабдан шун-чалик долзарб, деган савол туғилди.

Келинг, қуйида бу борада аниқ рақамлар билан тушунтириш бериш-га ҳаракат қиламиз.

**2020 йил 1 июль ҳолатига юрти-мизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари сони 31 тани, шундан:**  
- давлат улуши мавжуд тижорат банклари 13 тани (Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ўзбекис-

тон саноат-қурилиш банки, Асака банк, Агробанк, Ипотека банк, Халқ банки, Қишлоқ қурилиш банк, Алоқа-банк, Микрокредит банк, Туронбанк, ASIA ALLIANCE BANK, Поштахт банк, Ўзгэроэкспортбанк);

- акциядорлик тижорат банклари 3 тани (Ипак йўли банк, Капитал-банк, Универсал банк);

- хусусий акциядорлик тижорат банклари 7 тани (Ориент Финанс банк, Трастбанк, Давр Банк, Туркистон банк, Равнақ банк, Хай-Тек банк, Мадад инвест банк);

- чет эл капитали иштирокидаги тижорат банклари 3 тани (Ҳам-корбанк, Савдогар банк, Инвест Финанс банк);

- чет эл тижорат банклари 5 тани (Содерот банк - Эрон, Зираат банк - Туркия, ҚДБ банк - Жанубий Корея, Тенге банк - Қозоғистон, ТВС банк - Грузия) ташкил этади.

2020 йил 1 июль ҳолатига Респу-блика бўйича жами банк активлари-нинг 85 фоизи, кредит қўйилмалари-нинг 89 фоизи, банк капиталининг 86 фоизи давлат улуши мавжуд тижорат банклари улушига тўғри келади.

Ушбу 31 та тижорат банкларининг 18 таси Самарқанд вилоятида филиаллар очган ҳолда фаолият олиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, соф фой-данинг жами активларга нисбати (ROA-Return on Assets) - банк фао-лияти самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Бу кўрсаткич қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$ROA = \text{Соф фойда} / \text{Активлар} * 100\%$$

Юқори ROA кўрсаткичи активлар-дан самарали фойдаланилаётганли-гини ифодалайди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоятимиздаги давлат улуши мавжуд банклар соф фойдаси 117,4 млрд. сўмни, бошқа банклар-нинг соф фойдаси эса 35,4 млрд. сўмни ташкил этган.

Ҳар икки гуруҳ учун юқорида кел-тирилган маълумотлар асосида ROA кўрсаткичини ҳисобласак,

$$117,4 / 14\,453,0 * 100\% = 0,8\%$$

$$\text{давлат улуши мавжуд банклар} \\ 35,4 / 1\,706,2 * 100\% = 2,1\%$$

- бошқа банклар.

Натижадан шундай хулоса қилсак бўладики, бошқа банкларда актив-лар давлат улуши мавжуд банклар-дагига нисбатан 2,5 баробар сама-радор. Яна ҳам тушунарли қилиб айтсак, ҳар 1000 сўмлик активлар биринчи гуруҳ банкларда ўртача 8 сўм, иккинчи гуруҳ банкларда 21 сўм даромад келтирмоқда.

Ушбу биргина таҳлил натижаси ҳам “2020-2025 йилларга мўлжал-ланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш страте-гияси тўғрисида” фармонда келтириб ўтилганидек, банк секториди давлат-нинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликлар-ни бошқариш сифатининг етарли



эмаслиги банк секторини иқтисодий янгилаштириш ва жамият эҳтиёжла-рига мос равишда ривожлантиришга тўсқинлик қилаётганлигини кўрсатиб турувчи бир жиҳат ҳисобланади.

**Давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансфор-мация қилиш қуйидаги ижобий тенденцияларни ҳосил қилади:**

- молиявий хизматларнинг омма-боплиги ошади;

- молия бозориди тенг рақобат шароитлари шаклланади;

- кредитлаш фақат бозор шарт-лари асосида амалга оширилади;

- хизмат кўрсатиш модерни-зациялашади, банкларнинг сама-рали инфратузилмалари ярати-лади, камхарж кўрсатиш нуқталари тармоғи ривожланади, фаолият автоматлаштирилади,

аҳоли ва кичик бизнес учун ма-софавий хизматлар кенг жорий қилинади;

- банк тизимининг молиявий барқарорлик даражаси ошади.

Бундан кўринадики, трансфор-мация банкларда кўрсатиладиган хизматлар сифатининг ошишига ва нархининг мақбуллашишига туртки бўлади.

**Шерзод СУВАНКУЛОВ**  
Марказий банкнинг Самарқанд вилояти Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИ ВА КРЕДИТЛАРИ ҚОЛДИҒИ ТЎҒРИСИДА 2020 ЙИЛ 1 ИЮЛЬ ҲОЛАТИГА УМУМЛАШГАН МАЪЛУМОТ

№	Банк номи	Актив		Кредит	
		16 159,3	жамига нисбатан улуши	13 225,5	жамига нисбатан улуши
<b>Жами</b>					
<b>Давлат улуши мавжуд банклар</b>					
1	“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти	14 453,0	89,4%	11 943,4	90,3%
2	“Агробанк” акциядорлик тижорат банки				
3	“Асака” акциядорлик тижорат банки				
4	Акциядорлик тижорат “Халқ банки”				
5	“Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки				
6	“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки				
7	Акциядорлик тижорат банки “Қишлоқ қурилиш банк”				
8	“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки				
9	Акциядорлик тижорат “Алоқабанк”				
10	“Туронбанк” акциядорлик тижорат банки				
11	“ASIA ALLIANCE BANK” акциядорлик тижорат банки				
<b>Бошқа банклар</b>					
12	Чет эл капитали иштирокидаги “Hamkorbank” акциядорлик тижорат банки	1 706,2	10,6%	1 282,1	9,7%
13	“Ориент Финанс” хусусий акциядорлик тижорат банки				
14	“Ипак Йўли” акциядорлик инновация тижорат банки				
15	“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки				
16	Чет эл капитали иштирокидаги “Савдогар” акциядорлик тижорат банки				
17	Чет эл капитали иштирокидаги “Invest Finance Bank” акциядорлик тижорат банки				
18	“Капиталбанк” акциядорлик тижорат банки				



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
БАНКЛАР ТОМОНИДАН НАҚД ПУЛ  
МУОМАЛАСИГА ДОИР ИШЛАРНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ  
ЙЎРИҚНОМАГА ЎЗГАРТИРИШЛАР  
КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия  
вазирлиги томонидан 2020 йил 15 июнда  
3003-3-сонли рақам билан рўйхатдан  
ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги ҳамда "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/14-сон қарори (рўйхат рақами 3003, 2018 йил 1 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 18-сон, 372-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 25 май,  
12/11-сон

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг  
2020 йил 25 майдаги 12/П-сон қарорига  
ИЛОВА**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БАНКЛАР ТОМОНИДАН НАҚД ПУЛ МУОМАЛАСИГА ДОИР ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 3-банднинг тўртинчи хатбошисидан "ҳамда банклар" деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 3-боб номидаги "Банк" деган сўз "Бош бошқармалар ҲҚКМ айланма" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 10-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

"10. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Бош бошқармалар ҲҚКМ айланма кассаларига нақд пуллар қолдиқлари бўйича лимитлар белгиланиши шарт."

4. 11 ва 48-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 12-банддан "ва нақд пуллар захира жамғармаларига" деган сўзлар чиқариб ташлансин.

6. 13-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

"13. Бош бошқармалар ҲҚКМ айланма кассаларидаги лимитдан ортиқча пуллар нақд пуллар захира жамғармаларига шу кунга ўтказилиши шарт."

7. 14 ва 15-бандлардаги "Банк кассаларидаги" деган сўзлар "Бош бошқармалар ҲҚКМ айланма кассаларидаги" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 16-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

"16. Бош бошқармалар ҲҚКМ айланма кассаларидаги нақд пул қолдиқларига ўрнатилган лимитларга доир маълумотларни тўллаш, умумлаштириш ва улардан фойдаланиш "Хизмат доирасида фойдаланиш учун" устхати қўйилган ва ушбу ҳужжатлар билан ишшлаш қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади."

9. 25-банднинг иккинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Банкнинг айланма кассасига ва банк хизматлари офислари кассаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда."

10. 49-банддаги "10198 – "Марказий банкка топширила- диган нақд пуллар захираси" деган сўзлар "10101 – "Айлан- ма кассадаги нақд пуллар" ва 10111 – "Амалиёт кассалари- даги нақд пуллар" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

**МАРКАЗИЙ БАНК ТОМОНИДАН МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ  
ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА  
ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 июнда  
2453-1-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбеки- стон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги ва 2019 йил 30 декабр- даги ЎРҚ-599-сон "Ўзбекистон Респу- бликасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Ре- спубликаси Марказий банки бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2013 йил 16 март-

**Марказий банк раиси**

Тошкент ш.,  
2020 йил 16 май,  
11/8-сон

**М. НУРМУРАТОВ**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг  
2020 йил 16 майдаги 11/8-сон қарорига  
ИЛОВА**

## МАРКАЗИЙ БАНК ТОМОНИДАН МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. Низомнинг муқаддимаси куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Мазкур Низом Ўзбекистон Респуб- ликасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги ва "Микрокре- дит ташкилотлари тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ активларининг баланс қиймати бир миллиард сўмдан ортиқ бўлган микрокре- дит ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил этишга қўйиладиган талабларни ҳамда унинг фаолиятини ташкил этишнинг методологик асосларини белгилайди."

2. 20-банднинг бешинчи хатбоши-

даги "бошқа мажбурий тўловлар" деган сўзлар "ийгимлар" деган сўз билан ал- маштирилсин.

3. 21-банднинг "г" кичик бандида: биринчи хатбошидаги "бошқа мажбурий тўловлар" деган сўзлар "ийгимлар" деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги "мажбурий тўлов- лар" деган сўзлар "ийгимлар" деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги "бошқа мажбурий тўловларни" деган сўзлар "ийгимларни" деган сўз билан алмаштирилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

**КРЕДИТ БЮРОЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ  
ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР  
КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 10 июнда  
3042-1-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбеки- стон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Давлат божи тўғрисида"ги ва "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Респу- бликаси Марказий банки бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марка- зий банки бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/23-сон қарори (рўйхат

рақами 3042, 2018 йил 25 июль) (Ўзбе- кистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 30-сон, 630-модда) билан тасдиқланган Кредит бюрларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ни- зомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

Тошкент ш.,  
2020 йил 25 май,  
12/4-сон

**М. НУРМУРАТОВ**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг  
2020 йил 25 майдаги 12/4-сон қарорига  
ИЛОВА**

## КРЕДИТ БЮРОЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 7-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

"7. Кредит бюроси ўзининг фирма номи ёзил- ган штампларга, бланкаларга ва ўз эмблемасига эга бўлишга ҳақли."

2. 32-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

"32. Кредит бюросини давлат рўйхатидан

ўтказганлик учун Ўзбекистон Республикаси- нинг "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунда белгиланган миқдорда давлат божи ундири- лади.

Кредит бюросига лицензия берганлик учун давлат божи ундирилмайди."



## ЖАҲОН ИҚСОДИЁТИ РЕКОРД ДАРАЖАДА ҚАРЗГА БОТИШИ КУТИЛМОҚДА

Тарихда илк бор дунё мамлакатларининг давлат қарзи 2020 йил охирига келиб ЯИМнинг 101,5 фоизига етди ва бу Иккинчи Жаҳон уруши давридаги рекордни янгилайди. Бу ҳақда Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) сайты хабар беради.




Иқтисодий ётиш пандемияси келтириб чиқарган инқироздан қутқариш учун давлатлар аллақачон 11 трлн. доллар сарфлаган. 2021 йилда паст фоиз ставкалари ва иқтисодий фаолиятни тиклаш туфайли давлат қарзидаги вазият барқарорлашиши кутилмоқда. Бундан фақатгина АҚШ ва Хитой истисно.

Айни шу кунгача етмиш икки мамлакат аллақачон ХВФ томонидан фавқуллодда ёрдам олган. Камбағал давлатлар қарзга ботмаслик учун имтиёзли молиялаштириш ва баъзи ҳолларда грантлардан фойдаланиш

имкониятига эга бўлиши керак, дейди мутахассислар. Аввалроқ ХВЖ бу йил дунё иқтисодиёти 4,9 фоизга пасайишини, 2021 йилда 5,4 фоизга тикланиши кутилаётганини маълум қилди.

Май ойида Еврокомиссия Европани тиклаш режасини тақдим этди. Унга мувофиқ Европа Иттифоқи капитал бозорларидан 750 миллиард доллар қарз олиб, уларга кредит ва грантлар шаклида ёрдам беради. Бироқ ҳозирги кунга қадар мамлакатлар бундай жамғармани тузиш тўғрисида келиша олмаган.

Банк карта-сига эга бўлган ҳар тўртинчи россиялик фирибгарларга ўз маълумотларини тақдим этишга ва пулларини очиқчасига ўзгалар ўзлаштиришига йўл қўйиб беришга тайёр экан.



## ҲАР ТЎРТИНЧИ РОССИЯЛИК ЎЗ ПУЛЛАРИНИ ФИРИБГАРЛАРГА БЕРИШГА ТАЙЁР

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 27 фоиз аҳоли фирибгарлик қурбонига айланиши мумкин. Чунки улар очиб бўлмайдиган банк карталари ҳақида ўз маълумотларини фирибгарларга тақдим этишади.

Умуман олганда, респондентларнинг учдан бир қисми қайсидир даражада фирибгарлик ҳаракатларига дуч келган. Фирибгарлар кўпинча, маълумотни ижтимоий ёрдам йўли билан телефон орқали топишга ҳаракат қилишади.

Шунингдек, ҳийла-найранглarning энг машҳур усулларидан бири қариндошларига ёрдам бериш ёки ютуқни рўйхатдан ўтказиш учун пул ўтказиш ҳақида сўровлардир.

Сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 4 фоизи фирибгарларнинг қурбонига айланган, қолганлари молиявий йўқотишларга дуч келмаган.

Мазкур тадқиқот 2020 йил июль ойида ўтказилган. Унда 18 ёшдан ошган 1,6 минг киши иштирок этди.

Ўзи шундоқ ҳам пандемиядан панд еб турган Европага оби-ҳавонинг иссиқ келиши дард устига чипқон бўлди. Ёз мавсумининг иссиқ келиши катта қурғоқчиликларга сабаб бўлмоқда. Натижада энг йирик дарёлар кичрайиб, юклар ташиш имконияти пасайди.

## ДАРД УСТИГА ЧИПҚОН



Ҳозирги офат оқибатлари икки йил олдин ўрнатилган антирекорддан ошиб, Европа ва глобал иқтисодиётга янада кўпроқ зарар етказиши тахмин қилинмоқда.

Икки йил олдин Европада кўп йиллик кузатувлар давомида энг юқори ҳарорат қайд этилган. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги катта зарар кўрган. Бу йилгиси эса илгари кўрилмаган ҳажмларда ҳосилни йўқотишга ҳам сабаб бўлмоқда. Ёзги иссиқ об-ҳаво ҳатто Скандинавия ва унга туташ бўлган мамлакатларда ҳам кузатилди: Норвегия Арктика минтақаларида ҳарорат 33,5 даражага етди. Файритабий иссиқлик туфайли ўсимликлар керакли намликдан маҳрум бўлдилар ва баъзи экинларнинг ҳосиллари дарҳол икки баравар камайди.

Сабзавотлар етиштирувчилар сўнгги 40 йил ичида юзага келган энг жиддий муаммолар ҳақида гапиришди, фермерлар вазиятни катастрофик деб баҳоладилар, Греция, Испания ва Италияда зайтун экинлари нобуд бўлди. Ҳатто асосий хомашё

– картошкасиз қолган чип ишлаб чиқарувчилар ҳам ташвишга тушишди. Гидроэнергетика ҳам зарар кўрди, бу тизимни доимий равишда ёпадиган кўплаб мамлакатларнинг электр таъминоти билан боғлиқ.

Бундан ташқари, Европа Иттифоқи расмийлари фермерлар ва компанияларга асосий маҳсулот нархларини кўтармаслик учун кенг миқёсда субсидиялар ажратишлари керак эди. Фақатгина қуёш энергияси ёрдамида маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва пичан сотувчилари голиб бўлишди, уларнинг талаблари кескин ўсиб борди, чунки янги ўт кўп сонли подаларни боқиш учун етарли эмас эди.

Европа иқлим шароити жуда нотекис тақсимланганлиги сабабли унинг шимолий ва марказий қисмида жазирама иссиқ пайтида жанубда рекорд даражада ёгингарчилик кузатилди. Бу қисман ҳосилнинг танқислигини

қоплашга имкон берди. Кузда ёгингарчилик материкнинг аксарият қисмида кўпайди ва баъзи ҳудудларда тошқинлар содир бўлди. 2019 йилда ҳарорат максимум даражага кўтарилди, аммо кенг миқёсда қурғоқчилик йўқ эди.

Бу йилги ёз оқибатлари иқтисодиёт учун янада жиддий бўлиши мумкин. Коперник номидаги Европа иқлим ўзгариши хизмати ходимлари турли соҳалар, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигининг миллиардлаб долларга тушишини тахмин қилишмоқда. Уларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий ва Ғарбий Европада, ёзги уч ойнинг натижаларига кўра, ёгингарчилик одатдагидан 40 фоизга кам бўлади, бу штатларнинг коронавирус туфайли одатдагидан кўпроқ фаол сарфланишга мажбур бўлган қўшимча бюджет харажатларини келтириб чиқаради.

Германия иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш учун 145 миллиард евролик дастурни

бошлади. Умумий Европа даражасида мисли кўрилмаган миқдорий юмшатиш дастури – Европа Марказий банки 1,3 трлн. евро қийматидаги иккиламчи бозорда давлат ва корпоратив қарзларни сотиб олади. 750 миллиардлик жабрланганларга ёрдам бериш бўйича кенг қамровли режа ҳам тайёрланмоқда. Уларнинг учдан икки қисми грантлар эвазига таъминланади. Маблағлар европалик облигацияларни чиқариш орқали тўплангани, эмитент – бу ҳажмда биринчи марта Европа Комиссияси бўлиб, бу унга ўз ваколатлари ва қитъа интеграциясидаги ролини жиддий равишда кучайтиришга имкон беради.

Бу муаммо билан жиддий курашаётган давлатлардан яна бири Чехия Республикаси. У тарихдаги энг кучли қурғоқчиликка дуч келди ва унинг аҳволи денгизга чиқиш имкони йўқлиги билан янада оғирлашмоқда. Чехия Республикаси Атроф-муҳит вазири

Жири Брабетс қурғоқчиликни коронавирусдан ҳам жиддийроқ муаммо деб атади. Чунки мамлакат Европа Иттифоқида биринчи бўлиб ўз чегараларини бутунлай ёпди.

Ўтган йилларда Влтава дарёси тез-тез тошиб, Прага марказий ҳудудларини сув босди (охирги жиддий тошқин 2002 йилда юз берган), аммо ҳозир у одатдаги кўрсаткичларнинг тўртдан уч қисмини қоплаган. Ҳукумат 2020 йил охирига келиб фермерларга 3,5 миллиард крон (тахминан 126 миллион евро) миқдорига маблағ ажратишга ваъда беришди. Аммо бундай чоралар етарли бўлмайди. Чунки сўнгги тўрт йил давомида Чехия бюджетига профицит кузатилмоқда.

Қурғоқчилик оқибатлари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, Францияда қишлоқ хўжалик ерларининг ярми қуриди, Руминияда сув омборлари таназзулға учради. Ерех Spot Европа энергия биржасида электр энергиясини етказиб бериш шартномалари бўйича нархлар одатдагидан кўра 80 фоизга пастга тушди. Ҳатто Швейцариянинг айрим ҳудудларида аҳоли эрта баҳор ёғинларини бир ярим ой кутишди.

Олимпларнинг таъкидлашчи, табиатнинг бундай инжиқларига инсониятнинг ўзи сабабчидир. Чунки табиатга чиқарилаётган турли чикндилар иқлим ўзгаришига олиб келмоқда ва унинг таъсири эса аянчли бўлаётир.



## ТИНИҚИБ УХЛАШНИНГ ЯГОНА ЙЎЛИ...

Олимлар ҳар бир инсон учун аниқ вақтни белгилашди. Бир қарашда ҳаммаси оддийдек гўё: етарлича ухлаш учун шунчаки кўпроқ ухлаш керак. Аммо сиз шунга ўхшаш "оддий" қарорлар тарафдори бўлсангиз, олимлардаги янгиликлар сизни қувонтирмаслиги мумкин.

Кўп ухлаш худди кам ухлаш сингари зарарлидир.

Тиниқиб ухламаслиқнинг бир қатор асоратлари бор: чарқоқ ва мувозанат йўқотилганидан инсон ўзини тетик ҳис қилиши мушкул. Қийин имтиҳонларга тайёргарлик кўрган ёки "эрталабгача бирор ишни тайёрлаб бериш" вази-фаси юклатилганлар бу ҳолат билан яқиндан таниш. Бироқ кўп ухлаш ҳам жиддий ўзгаришларга сабаб бўлади.



Тадқиқотчилар деярли бир ярим миллион нафар катта ёшдаги инсонлар ўртасида кенг миқёсли тадқиқот ўтказганида ажойиб ҳолатга гувоҳ бўлишди. Суткасига 6 соатдан кам ухлайдиган инсонлар 8 соат мириқиб ухлайдиганларга нисбатан соғлиққа таъсир этувчи ҳар қандай муаммодан жабрланиш таваққалчилиги 12 фоиз кўп экан. Аммо 9 соатдан кўпроқ вақт ухлайдиганларда эса бу кўрсаткич 30 фоизга етаркан.

8-9 соатлаб ухлашни маъқул кўрувчиларда юрак касалликларига қалинши мойиллиги юқори бўларкан.

Умуман олганда, кўпроқ ухлаш баъзан, албатта, ёмон оқибатга олиб келмайди. Аммо бунга муқкасидан кетиш ҳам тавсия этилмайди. Энг яхшиси, ҳар бир инсон ўзи учун меъёр белгилаб олишидир.

Ишчанлик руҳи ва саломатлиқни сақлаб қолиш учун неча соат ухлаган маъқул?

Америка Миллий фонди мутахассислари бу борада тадқиқот ўтказишга жиддий киришиб кетишди. Улар дунёнинг уйқу мавзуси бўйича энг етакчи олимлари ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг обрўли мутахассислари: невролог, психиатр, геронтолог, педиатрлардан иборат мутахассислар гуруҳини тузди.

Тадқиқотчилар икки йил давомида уйқу билан боғлиқ ҳамда унинг инсон танаси ва кайфияти-

га таъсирига бағишланган илмий мақола ва ҳисоботларни синчковлик билан ўрганиб чиқишди. Натижада инсон ёшига нисбатан қанча вақт давомида ором олиши лозимлиги билан боғлиқ тавсиялар янгиланди.

Қуйида инсондаги ишчанлик ва саломатлик кўрсаткичлари меъёрида бўлиши учун кимлар қанча вақт ухлаши кераклиги қайд этилган:

- Чақалоқлар (0–3 ойликлар) – 14–17 соат.
- Гўдақлар (4–11 ойликлар) – 12–15 соат.
- Болалар (1–2 ёш) – 11–14 соат.
- Боғча тарбияланувчилари (3–5 ёш) – 10–13 соат.
- Бошланғич синф ўқувчилари (6–13 ёш) – 9–11 соат.
- Усмирлар (14–17 ёш) – 8–10 соат.
- Ёшлар (18–25 ёш) – 7–9 соат.
- Катта ёшдагилар (26–64 ёш) – 7–9 соат.

• Кекса отахон ва онахонлар (65 ёш ва катталар) – 7–8 соат.

Рақамлардаги ўзгаришлар ҳам бир инсондаги шахсий хусусиятлари билан боғлиқ. Ахир бу табиий ҳол, етарлича уйқу вақти нафақат ёш, балки турмуш тарзи, фаоллик даражаси ҳамда умумий саломатлик кўрсаткичларига ҳам боғлиқ.

Бироқ соғлом уйқу чегараси барибир мутлақлаштирилган. Ўз ёшингизга нисбатан кам ёки кўп ухласангиз, аниқроқ айтганда, уйқу соатларида ўзгариш кузатилса, у ёки бу саломатлик кўрсаткичи ишдан чиқиши турган гап.

Тиниқиб ухлашнинг ягона йўли, бу, албатта ёш доирасидаги уйқу вақтидан четга чиқмаслиги билан боғлиқ бўлади.

Меъёридан ортиқ ёки кам ухлаш муаммоси икки ҳолат билан намоён бўлади?

Сиз ўз вақтида ухламайсиз ёки ўз вақтида уйғона олмайсиз.

Агар биринчи бўлимдаги ҳолат асосан ўз ўзини тартибга солиш билан боғлиқ бўлса, иккинчи бўлимдаги ҳолатни изоҳлаш бироз мушкул. Баъзан ором олиш учун жойимизга соат 23.00 га ётсак, ўргатилганидек соатимиз тонгга соат 6:30 да бизни "уйғотади". Лекин айна пайтда ўзимизни бутунлай ҳолдан тойгандек ҳис қилиб уйғонамиз. Гарчи белги-ланган вақт меъёрига уйқу келтир-миз бутунлай мос келса-да.

Сабаби, уйқу – бу циклик ҳолат. У кунига 5–6 мартагача ўртача 90 дақиқалик оралиқ вақтда юзага келиши мумкин. Цикл аввалида биз уйқуга кетишимиз мумкин, ўртасига келганда муштақкам уйқуга кетамиз. Сунгги фазасида эса танангиз бирон бир шовқиндан уйғонишга тайёр туради.

Кичик тавсия: тонгда тетик ва тезда уйғонишни истасангиз, соатни тўғри вақтга белгилаш керак бўлади. Унинг вақтини мустақил равишда, масалан Лайфхакернинг уйқу ҳисоблагичи орқали ўрнатишингиз мумкин. Яна бир бошқа йўли – уйқу сифатини кузатиб борадиган ва зарур вақтларда уйғотиш сигнали ишга туширадиган мобил-ипловдан фойдаланиш мумкин.



## ЁЗ МАВСУМИ УЧУН БЕШ МАСЛАХАТ

Ҳурматли дўстлар, жазирама иссиқ ҳаво билан "муросага" келолмасангиз, унда айнан сиз учун махсус тайёрланган айрим маслаҳатларга амал қилинг. Иссиққа чидаш – бу шунчаки оддий илмни талаб қилади ва унга ўрганиш жуда осон.

### 1. Муздек сув ичманг

Яхна сув чанқоқни босмайди, аксинча, беш дақиқадан сўнг тер сифатида туз билан бирга танангиздан чиқиб кетади. Ундан кўра чой ёки ширин бўлмаган квас ичинг. Ширин газли ичимликлар билан боғлиқ вазият ҳам тушунарли: уни қанча кўп ичсангиз, яна шунча кўпроқ ичишни хоҳлаб қоласиз.

### 2. Иссиқ ҳавода уйдан чиқиш вақтида кескин ҳаракатлар қилманг.

Жазирамада қаергадир отланган бўлсангиз, қай-тиб келгач, ҳар доим товон ва оёғингизни муздек сув билан чайиб юборинг. Оёқнинг бу қисмида биологик актив нуқталар кўп бўлади. Шунинг учун бу ҳолат сизга фойдали ва ёқимли бўлиши табиий.

### 3. Муздек чой ичинг

Аччиқ бўлмаган кўк чойнинг 1 литрини олдиндан дамлаб қўйинг. У бироз совуғанидан кейин озроқ асал, лимон ва ялпиз солиб юборинг. Муз солсангиз, ундан-да ёқимли таъмга эга бўлади. Бу чой нафақат мазали, балки фойдали ҳамдир.

### 4. "Антибўйинбоғ" ("японча ҳаво пуркагич") тайёрланг

Япон фильмларида эътибор қилганмисиз? Одамлар кўпинча бўйнида оқ матоли рўмолни тақиб олади. Бу жуда ҳам уникал мослама. Олпоқ дастурмолни совуқ сувга ивитиб қўйинг ва бўйингизга бойлаб кўринг. Рўмол қуриб қолиши билан яна сувга бўктириш керак. Бу жуда ҳам енгиллаштирадиган йўл эканлигини бир неча дақиқалардаёқ ҳис қиласиз.

Албатта, жазирамада ҳар қандай алкоголь маҳсулотларидан узоқда юриш керак. Чунки уни иссиқ кунларда истеъмол қилиш танага ориқча иш юклайди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

## БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ - ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР  
Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ  
Шукур ЖАББОР

ОБУНА ВА РЕКЛАМА  
БЎЛИМИ РАҲБАРИ  
Ўқтам АБДУЛЛАЕВ  
Тел: +998 90 0264090  
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18  
Нашр индекси-102.

МУАССИС:  
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Ахборот кўмаги  
ЎЗА, "Norma Hamkor" МЧЖ  
www.finance.uz

Тахририят манзили:  
100060. Тошкент ш., Юнусобод т.  
Осиё кўчаси 1а  
e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,  
Чоп этишга тайёрловчи:  
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ  
Газета тахририятнинг техник  
ускуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси"да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат бериллади. Қўлэзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кунини чиқади. Бюрогма № г 0079 А-1380 Нархи шартнома асосида. Газета А3 ҳажмида, 4 шартли босма табақда чоп этилди. Босишга рухсат этилди: 14.07.2020 й., 1 2 3 4 5 6